



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазири

Ш.Хамраев
Ш.Хамраев
2022 йил “18” 03

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг Концепцияси

I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи:	Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли Шеробод тумани В.Қодиров ҳудудидаги “39-сонли” мелиоратив кудукларни давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш лойиҳаси
Тармоқ номи:	Сув хўжалиги
Лойиҳа тури:	Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли Шеробод тумани В.Қодиров ҳудудидаги “39-сонли” мелиоратив кудугини давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш, фойдаланиш, бошқариш.
Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми:	Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли Шеробод тумани В.Қодиров ҳудудидаги “39-сонли” мелиоратив кудукларни давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштиради, фойдаланади, бошқаради ва лойиҳа муддати якунида давлат шеригига топширади.
Давлат шеригининг номи:	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар):	Сурхондарё вилояти Шеробод тумани В.Қодиров ҳудуди

II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

Республикада жами 4,3 млн.гектар сугориладиган ер майдонларининг 60 фоизга яқин қисми 1688 та насос станциялар ва 4000 дан ортиқ сугориш қудуқлари орқали сугорилиб, ушбу насос станцияларнинг 74 фоизи 30 йилдан ортиқ эксплуатация қилиниши натижасида агрегатлар маънавий эскирганлиги сабабли, тегишли давлат дастурларига асосан модернизация қилиш режасида режалаштирилган.

Ушбу маънавий эскирган насос станцияларни модернизация қилиш учун бюджетдан ажратилаётган эксплуатация харажатлари етишмаслиги сабабли, агрегатларни халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан янгилаш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сонли қарорида насос станциялари иш режимини тартибга солишининг самарали усулларини жорий этиш ҳисобига сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камида 10 фоизга қисқартириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”нинг 6-бобида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмоли 8,0 млрд.кВт соат.дан 2025 йилда 7,0 млрд.кВт соат ва 2030 йилда 6,0 млрд.кВт соат.гача камайтирилиши белгиланган.

Сув хўжалиги ташкилотларини сақлаш харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, кейинги йилларда ажратилаётган маблағнинг 70 фоизи насос станцияларнинг электр энергияси харажатларини қоплашга йўналтирилаётганлиги сабабли, насос станцияларни, мелиоратив қудуқларни давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланишга берилиши муҳим ҳисобланади.

III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Кўшимча маълумотлар	
1.	Лойиҳанинг ЛБХ/ТИА/ТИХК мавжудлиги: Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> ЛБХ илова қилинади.
2.	Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса: Инвестиция дастури <input type="checkbox"/> Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори <input type="checkbox"/> Вазирлар Маҳкамаси қарори <input type="checkbox"/> Бошқа <input checked="" type="checkbox"/>
3.	Хусусий шерик лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Сув хўжалиги соҳасида қишлоқ хўжалиги экинларига етказиб берилаётган сув ресурслари харажатларини истеъмолчилар томонидан қоплаш тартиби тўғрисидаги низом ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланиши лозим бўлади.